



Xalq deputatlari Sirdaryo viloyati Kengashi

Q A R O R

2020 yil “ 30 ” dekabr

80/16-6-son

Guliston sh.

2021 йилги вилоят маҳаллий бюджетини тасдиқлаш ҳамда туманлар, шаҳарлар маҳаллий бюджетлари даромадлари ва харажатларининг прогноз кўрсаткичларини белгилаш тўғрисида

2021 йилги вилоят маҳаллий бюджетини тасдиқлаш ҳамда туманлар, шаҳарлар маҳаллий бюджетлари даромадлари ва харажатларининг прогноз кўрсаткичларини белгилаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 99-моддаси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 24, 25-моддаларига мувофиқ халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши **қарор қилади:**

1. Сирдарё вилоятининг (кейинги ўринларда – вилоят) ялпи ҳудудий маҳсулот бўйича прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

вилоят маҳаллий бюджети даромадлари прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ;

2021 йил учун туман (шаҳар) маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари прогнозлари 3-иловага мувофиқ;

вилоят маҳаллий бюджети маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 4-иловага мувофиқ;

туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетларaro трансфертлар миқдорлари 5-иловага мувофиқ;

мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари 6-иловага мувофиқ (солиқ солиш мақсадлари учун);

товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун ундириладиган йиғимларнинг чекланган ставкалари 7-иловага мувофиқ;

автотранспорт йиғимларнинг ставкалари 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига асосан (кейинги ўринларда – Қонун) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни олиб

киришда қўлланиладиган божхона божлари ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади.

3. Қонуннинг 6-моддасига асосан 2021 йил учун республика бюджетидан вилоят маҳаллий бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансферт 534,3 млрд. сўм миқдорида тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

4. 2021 йил учун вилоят бюджети захира жамғармаси ҳажми 5,0 млрд. сўм миқдорида белгилансин.

5. Туман (шаҳар)лар бюджетларининг 2021 йил учун захира жамғармалари тегишли бюджетлар тасдиқланган умумий харажатларининг камида 1,0 фоизи миқдорида шакллантирилади.

6. Вилоят ҳамда туман (шаҳар) бюджетларининг олти ойлик ижроси яқунлари бўйича даромад прогнозлари бажарилмаган ва жорий молия йилининг охиригача уларнинг келиб тушиши учун етарли асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда вилоят маҳаллий бюджети ҳамда туман (шаҳар)лар бюджетларининг харажатларини қисқартириш бўйича қарорлар тегишинча халқ депутатлари вилоят ҳамда туман ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан қабул қилиниши белгилансин.

Бунда, харажатларни қисқартиришда бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджет маблағларини ўзлаштириши, шунингдек қабул қилинган юридик ва молиявий мажбуриятлари ҳисобга олинади.

7. Қонунга мувофиқ солиқларнинг қуйидаги турлари туман (шаҳар)лар бюджетларига:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ.

Вилоят бюджетига қуйидагилар:

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

бензинни, дизель ёкилғиси ва газни яқуний истеъмолчиларга

реализация қилишдаги акциз солиғи;

айланмадан олинадиган солиқ;

қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлар ва ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан ташқари);

автотранспорт воситаларини сотиб олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғимлар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар;

давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга (ижарага) беришдан ва сотишдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар;

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушумларнинг (жисмоний шахслар мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан ташқари) 100 фоизи;

фойда солиғидан тушумларнинг (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб боровчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари) 100 фоизи ўтказилиши белгиланган.

8. Мобил алоқа хизматлари ва алкоголь маҳсулоти, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар тегишинча 2020 йилнинг 1 июл ҳолатига кўра, туман (шаҳар) аҳолиси сонининг вилоят аҳолиси сонидagi улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

9. Қонуннинг 12-моддасига асосан туман (шаҳар) бюджетларини барқарорлигини таъминлаш мақсадида умумдавлат солиқларидан

ажратмалар меъёрлари 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Қонунга мувофиқ Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари туман ва шаҳарларнинг оммавий дам олиш ва (ёки) туризмга ихтисослаштирилган айрим ҳудудларида ижара тўлови бўйича энг кам ставкаларга ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган миқдорларига Тошкент шаҳри учун белгиланган миқдорларгача ўсиб боровчи коэффициентларни киритишга ҳақли.

Агар қонунчиликда маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган даромадларнинг тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса, даромаднинг ушбу тури вилоятнинг вилоят бюджетига ўтказилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги ПФ-6121-сонли Фармони 1-бандида белгиланган ваколатлар доирасида қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун туман ва шаҳарлар кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб, юридик шахслардан олинадиган ер солиғининг мутлоқ миқдорида базавий солиқ ставкаси 10-иловага, жисмоний шахслардан (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) ундириладиган мутлоқ миқдорида 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаси 11-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

12. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташаббусига кўра амалга ошириладиган қўшимча тадбирларни молиялаштириш фақат вилоят, туман (шаҳар) маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

13. Вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликлари тегишли бюджетларини биринчи навбатда иш хақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизмат харажатлари режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин.

14. Вилоят ҳокимлиги чораклар якуни бўйича даромад прогноз кўрсаткичлари маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда беш фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаган тақдирда ва молия йили охиригача прогноз кўрсаткичидаги маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, харажатларни мақбуллаштириш юзасидан қўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритилишини таъминласин.

15. Қонунга мувофиқ 2021 йилдан бошлаб ҳудудларда барча иссиқлик энергиясини етказиб берувчи корхоналар томонидан кўрсатиладиган иссиқлик таъминоти хизматлари учун тартибга солинадиган нархлар (тарифлар) улар бўйича дастлаб Ўзбекистон Республикаси Монополияга

қарши курашиш қўмитасининг ҳудудий органлари хулосаларига кўра, халқ депутатлари вилоят Кенгаши қарори билан маъқулланганидан сўнг вилоят ҳокими томонидан тасдиқланиши;

иссиқлик таъминоти бўйича хизматлар учун тартибга солинадиган нархларни (тарифларни) йил давомида қайта кўриб чиқиш яқунларига кўра, иссиқлик билан таъминловчи корхоналар аҳолига пасайтирилган тарифлар қўлланилиши натижасида кўрган зарарларининг ўрнини қоплаш учун қўшимча маблағларга бўлган талаб вилоятнинг вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан қопланиши белгиланганлиги ижро учун қабул қилинсин.


16. Вилоят ва туман (шаҳар)лар ҳокимликлари вилоят ҳамда туман (шаҳар) маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак яқунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар тегишинча мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириб борсин.

17. Ушбу қарор ижросини ташкиллаштириш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Каримов зиммасига юклатилсин.

18. Қарор қабул қилинган кундан бошлаб кучга киради.

19. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси (У.Сотиболдиев) зиммасига юклатилсин.

Сессия раиси



М. Ходжиев

Халқ депутатлари Сирдарё вилояти
Кенгашининг 2020 йил 30 декабрдаги
№ 80/16-6-сон сонли қарорига
1-ИЛОВА

**Сирдарё вилоятининг ялпи ҳудудий маҳсулот бўйича прогноз
кўрсаткичлари**

№	Кўрсаткичлар	2021 йил учун прогноз
1.	Ялпи ҳудудий маҳсулот, млрд.сўм	13 415,7
2.	Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	102,2
3.	Истъемол нархлари индекси, декабрда аввалги йил декабрь ойига нисбатан, фоизда	9,0-10,0
4.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	102,1
5.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	101,6
6.	Хизмат кўрсатишнинг ўсиш суръати, фоизда	106,6
	<i>савдо, яшаш ва овқатланиш хизмати ўсиш суръати, фоизда</i>	<i>104,5</i>

Халқ депутатлари Сирдарё вилояти
Кенгашининг 2020 йил 30 декабрдаги
№ 80/16-6-сон сонли қарорига
2-ИЛОВА

Вилоятнинг вилоят маҳаллий бюджети даромадлари прогноз
кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Миқдори
Даромадлар миқдори, жами		1 042 912 960,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	Маҳаллий даромадлар	508 643 768,0
	Республика бюджетидан ажратиладиган трансфертлар миқдори	534 269 192,0
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	43 262 000,0
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	288 837 369,0
3	Акциз солиғи, жами	31 842 000,0
4	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	23 219 998,0
5	Юридик шахслар ер солиғи	38 813 401,0
6	Давлат божи	24 178 000,0
7	Жарималар	18 340 000,0
8	Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад	851 000,0
9	Йиғимлар	39 300 000,0
10	Республика бюджетидан ажратиладиган трансфертлар миқдори	534 269 192,0

Халқ депутатлари Сирдарё вилояти
Кенгашининг 2020 йил 30 декабрдаги
№ 80/16-6-сон сонли қарорига
3-ИЛОВА

**2021 йил учун туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва
харажатлари прогнозлари**

минг сўмда		
Худуд номи	Даромад *	Харажат
ЖАМИ	237 020 832,0	771 290 024,0
Гулистон шаҳри	33 110 926,0	90 012 233,0
Ширин шаҳри	10 039 441,0	29 394 365,0
Янгиер шаҳри	15 125 346,0	52 611 609,0
Гулистон тумани	16 485 897,0	71 348 776,0
Боёвут тумани	30 377 764,0	95 178 908,0
Сайхунобод тумани	20 172 637,0	68 155 042,0
Сардоба тумани	13 905 468,0	60 206 329,0
Мирзаобод тумани	19 062 773,0	61 832 934,0
Ховос тумани	25 075 910,0	76 493 891,0
Оқолтин тумани	15 119 264,0	59 213 485,0
Сирдарё тумани	38 545 406,0	106 842 452,0

* Мобиль алоқа хизмати ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи тушумларидан ажаратиладиган маблағларни инобатга олган ҳолда

Халқ депутатлари Сирдарё вилояти
Кенгашининг 2020 йил 30 декабрдаги
№ 80/16-6-сон сонли қарорига
4-ИЛОВА

**Вилоят маҳаллий бюджети маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган
харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари**

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	Миқдори
	Харажатлар миқдори, Жами	1 042 912 960,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	403 904 517,0
	Давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш харажатлари	1 500 000,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	98 203 000,0
	Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	534 269 192,0
1.	Халқ таълими бошқармаси	55 322 105,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	55 322 105,0
2.	Мактабгача таълим бошқармаси	1 603 416,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 603 416,0
3.	Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси	601 779,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	601 779,0
4.	Соғлиқни сақлаш бошқармаси	183 739 866,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	183 739 866,0
5.	Маданият бошқармаси	19 464 469,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	9 464 469,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	10 000 000,0
6.	Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси	15 579 665,0
	<i>шу жумладан:</i>	

	жорий харажатлар	15 579 665,0
7.	Йўл ҳаракати эксплуатация ва монтаж бўлимлари	989 427,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	989 427,0
8.	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси	79 094 667,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	2 443 667,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	76 651 000,0
9.	Қишлоқ хўжалиги бошқармаси	1 637 417,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 637 417,0
10.	Ўсимликлар карантини ҳудудий инспекцияси	760 244,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	760 244,0
11.	"Узагрокимёҳимоя" ҳудудий акциядорлик жамияти	849 536,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	849 536,0
12.	Ирригация тизимлари хавза бошқармаси	56 567 459,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	56 567 459,0
13.	Вилоят транспорт бошқармаси	1 528 337,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 528 337,0
14.	Экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш бошқармаси	13 829 525,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	13 829 525,0
15.	Молия бош бошқармаси	538 899 358,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	3 130 166,0
	Давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш харажатлари	1 500 000,0
	Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	534 269 192,0
16.	Ғазначилик бошқармаси	4 705 696,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	4 705 696,0
17.	Вилоят Пенсия жамғармаси бошқармаси	854 816,0

	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	854 816,0
18.	Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси	524 801,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	524 801,0
19.	Туризмни ривожлантириш департаменти	402 537,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	402 537,0
20.	Ўрмон хўжалик бошқармаси	2 417 893,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	2 417 893,0
21.	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси	3 694 006,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	3 694 006,0
22.	Монополияга қарши курашиш бошқармаси	955 057,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	955 057,0
23.	Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги Сирдарё вилояти бошқармаси	110 547,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	110 547,0
24.	Давлат активларини бошқариш агентлиги Сирдарё вилояти бошқармаси	1 122 645,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 122 645,0
25.	Меҳнат бош бошқармаси	1 147 906,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 147 906,0
26.	Қурилиш бош бошқармаси	1 557 293,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 557 293,0
27.	Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси	4 196 327,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	4 196 327,0
28.	Адлия бошқармаси	1 715 264,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 715 264,0
29.	Сирдарё вилояти иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси	7 200 935,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	7 200 935,0
30.	Вилоят ҳокимлиги	16 684 375,0

	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	11 648 124,0
	Захира жамғармасы	5 036 251,0
31.	Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий бошқармасы	4 446 983,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	4 446 983,0
32.	Давлат архиви бошқармасы	11 111 407,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 559 407,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	9 552 000,0
33.	Вилоят телерадиокомпанияси	2 000 000,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	2 000 000,0
34.	Бошқа харажатлар	2 898 960,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	2 898 960,0
35.	Пиллачилик ва коракулчиликни ривожлантириш кумитаси Сирдаре вилояти ҳудудий бошқармасы	122 918,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	122 918,0
36.	ФХДЁларни сақлаш харажатлари	1 023 368,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 023 368,0
37.	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармасы сақлаш харажатлари	1 462 923,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 462 923,0
38.	Ёшлар агентлиги ҳудудий бўлинмаларини сақлаш харажатлари	2 048 148,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	2 048 148,0
39.	Сайлов комиссиялари харажатлари	40 885,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	40 885,0

Халқ депутатлари Сирдарё вилояти
Кенгашининг 2020 йил 30 декабрдаги
№ 80/16-6-сон сонли қарорига
5-ИЛОВА

Туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга
солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда	
Шаҳар ва туманлар	Тартибга солувчи трансферт миқдори
ЖАМИ	534 269 192,0
<i>шундан</i>	
Гулистон шаҳри	56 901 307,0
Ширин шаҳри	19 354 924,0
Янгиер шаҳри	37 486 263,0
Гулистон тумани	54 862 879,0
Боёвут тумани	64 801 144,0
Сайхунобод тумани	47 982 405,0
Сардоба тумани	46 300 861,0
Мирзаобод тумани	42 770 161,0
Ховос тумани	51 417 981,0
Оқолтин тумани	44 094 221,0
Сирдарё тумани	68 297 046,0

Халқ депутатлари Сирдарё вилояти
Кенгашининг 2020 йил 30 декабрдаги
№ 80/16-6-сон сонли қарорига
6-ИЛОВА

**2021 йил учун мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун
белгиланган ижара тўловининг
энг кам ставкалари**

№	Ижарага бериладиган мол-мулк тури	Белгиланган ставка миқдорини тавсифловчи кўрсаткич	Ойлик ижара ставкаларининг энг кам миқдорлари, сўмда	
			Гулистон шаҳри	бошқа аҳоли пунктлари
1.	Уй-жойлар:			
	турар жой	умумий майдоннинг 1 кв.метри учун	8 500	4 000
	нотурар жой		17 000	7 500
2.	Автомобиль транспорти:			
	енгил автомобиль (йўловчилар, багаж ташишга мўлжалланган ҳамда ҳайдовчи ўрнини ҳисобламаганда, ўриндиқлари сони 8 тадан кўп бўлмаган автотранспорт воситаси)	1 та автотранспорт воситаси учун	575 000	
	микроавтобуслар, автобуслар ва юк автомобиллари		1 150 000	

Изоҳ: Мазкур ставкалар жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларига солиқ солиш мақсадида қўлланилади.

Халқ депутатлари Сирдарё вилояти
Кенгашининг 2020 йил 30 декабрдаги
№ 80/16-6-сон сонли қарорига
7-ИЛОВА

**2021 йил учун товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш
ҳуқуқи учун ундириладиган йиғимларнинг чекланган ставкалари**

Йиғимларнинг турлари	Бир ойга чегараланган ставкалар (сўмда)		
	Гулистон шаҳри	бошқа шаҳарлар	бошқа аҳоли пунктлари
Алкоголли маҳсулотларни сотиш ҳуқуқи учун ундириладиган йиғим	840 000	600 000	300 000
Умумий овқатланиш корхоналари учун алкоголли маҳсулотларни сотиш ҳуқуқи учун ундириладиган йиғим	420 000	300 000	150 000

Халқ депутатлари Сирдарё вилояти
Кенгашининг 2020 йил 30 декабрдаги
№ 80/16-6-сон сонли қарорига
8-ИЛОВА

2021 йил учун автотранспорт йиғимларининг ставкалари

№	Йиғимлар ва тўловлар турлари	Йиғимлар ставкалари
I	Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда ва транзитда ҳаракатланиши учун йиғимлар	АҚШ долларида
1.	Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда ва транзитда ҳаракатланиши учун йиғим, битта автомобил ташувчи учун (2-5 бандларда кўрсатилган мамлакатлар бундан мустасно)	400
2.	Тожикистон Республикаси юк автомашиналарини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва транзитда ҳаракатланганлиги учун йиғимлар:	
	10 тоннагача	100
	10 тоннадан 20 тоннагача	150
	20 тоннадан юқори	200
3.	Қозоғистон Республикаси юк автомашиналарини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва транзитда ҳаракатланганлиги учун йиғимлар:	300
4.	Қирғизистон Республикаси юк автомашиналарини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва транзитда ҳаракатланганлиги учун йиғимлар:	300
5.	Туркманистон Республикаси юк автомашиналарини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва транзитда ҳаракатланганлиги учун йиғимлар:	

	10 тоннагача	50		
	10 тоннадан 20 тоннагача	100		
	20 тоннадан юқори	150		
II	Автотранспорт воситаларини сотиб олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кнрганлик учун йнғим			
	Янги (фойдаланишда бўлмаган) автотранспорт воситалари бўйича (миллий ишлаб чиқарилган автомобиллардан ташқари)	харид қилиш нархининг 3%и		
	Фойдаланилган автотранспорт воситалари бўйича:	эксплуатация муддатидан келиб чиқиб ҳар бир от кучига баъзавий ҳисоблаш миқдори фоизи ҳисобида		
		3 йилгача	3 йилдан 7 йилгача	7 йилдан юқори
	Енгил автомобиллар	11	9	6
	Мотоцикллар (шу жумладан, мопедлар) ва ёрдамчи двигатель ўрнатилган велосипедлар, кажавали ёки кажавасиз	10	7	5
	Бошқа моторли транспорт воситалари	16	13	9

Изоҳ:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб хорижий давлатларнинг оғир юк ташувчи ва йирик габаритли транспорт воситалари ўтганлиги учун мазкур иловада назарда тутилган ставкалар бўйича йиғим тўланиши билан бир қаторда қўшимча равишда қонунчиликда белгиланган миқдорларда тўлов ундирилади.
2. Ўзбекистон Республикасига учинчи мамлакатлардан юклар олиб ўтишда ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан юкларни олиб чиқишда Туркманистон юк автотранспорт воситаларидан қўшимча равишда 175 АҚШ доллари миқдорида йиғим ундирилади.
3. Гуманитар юкларни олиб ўтишда автотранспорт воситаларининг олиб кирилиши ва транзитида ундириладиган йиғимлар ставкасига нисбатан 0,5 камайтирувчи коэффициенти қўлланилади.
4. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Халқ депутатлари Сирдарё вилояти
Кенгашининг 2020 йил 30 декабрдаги
№ 80/16-6-сон сонли қарорига
9-ИЛОВА

**Туман ва шаҳар бюджетларига умумдавлат солиқларидан
ажратмалар меъёрлари**

Т/Р	Шаҳар ва туманлар номи	Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи
1	Гулистон шаҳри	10	10	3
2	Ширин шаҳри	10	10	20
3	Янгиер шаҳри	10	10	20
4	Гулистон тумани	10	10	20
5	Боявут тумани	10	10	20
6	Сайхунобод тумани	10	10	20
7	Сардоба тумани	10	10	20
8	Мирзаобод тумани	10	10	20
9	Ховост тумани	10	10	20
10	Оқолтин тумани	10	10	20
11	Сирдарё тумани	10	10	15

Халқ депутатлари Сирдарё вилояти
Кенгашининг 2020 йил 30 декабрдаги
№ 80/16-6-сон сонли қарорига
10-ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар
бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига
киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар**

минг сўмда

Т/р	Худуд номи	Коэффициент (0,5 дан 2 гача)	Ер солиғи ставкаси 2021 йил учун (минг.сўм)
1	Гулистон шаҳри	1,3	27 040,0
2	Ширин шаҳри	1,0	20 800,0
3	Янгиер шаҳри	1,2	24 960,0
4	Гулистон тумани	1,0	20 800,0
5	Боёвут тумани	1,0	20 800,0
6	Сайхунобод тумани	1,0	20 800,0
7	Сардоба тумани	0,9	18 720,0
8	Мирзаобод тумани	1,2	24 960,0
9	Ховос тумани	1,0	20 800,0
10	Оқолтин тумани	1,0	20 800,0
11	Сирдарё тумани	1,2	24 960,0

Изох: Шаҳарлар ва туманлар Кенгашилари томонидан юридик шахслар учун ер солиғи ставкасини маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида туман (шаҳар) марказлари узоқ-яқинлигига қараб, 0,7-3,0 камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни белгилаш ҳуқуқига эга.

Халқ депутатлари Сирдарё вилояти
Кенгашининг 2020 йил 30 декабрдаги
№ 80/16-6-сон сонли қарорига
11-ИЛОВА

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) мутлоқ микдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

сўмда			
Т/р	Худуд номи	Коэффициент (0,5 дан 2 гача)	Ер солиғи ставкаси 2021 йил учун
1	Гулистон шаҳри	1,00	191,8
2	Ширин шаҳри	0,90	172,6
3	Янгиер шаҳри	0,90	172,6
4	Гулистон тумани	0,75	143,9
5	Боёвут тумани	0,75	143,9
6	Сайхунобод тумани	0,75	143,9
7	Сардоба тумани	0,70	134,3
8	Мирзаобод тумани	0,70	134,3
9	Ховос тумани	0,75	143,9
10	Оқолтин тумани	0,70	134,3
11	Сирдарё тумани	0,90	172,6

Изоҳ: Шаҳарлар ва туманлар Кенгашлари томонидан жисмоний шахслар учун ер солиғи ставкасини маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида туман (шаҳар) марказлари узоқ-яқинлигига қараб, 0,7-3,0 камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни белгилаш ҳуқуқига эга.